



ХАВАР

خبر

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

2000 йил, 1 декабр, жума № 47 (430)

Сотувда нархи эркин

ҲАЙЪАТ ЙИГИЛИШИДА

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни агентлик Бош директорининг биринчи уринбосари А. Орипов бошқарди. Мажлисда долзарб масалалар кўриб чиқилди.

«Агентлик муассаса ва ташкилотларининг халқаро дастурлар ҳамда лойи-


ҳаларда иштироки ҳақида» Халқаро алоқаларни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Х. Каримов маъруза қилди. Маърузачи бу борада сўз юритиб, олиб борилган ва амалга оширилажак ишлар хусусида тўхталиб ўтди.

«Махсус авария-тиклаш бошқармаси тезкор хизмат шахсий таркибини ўқитиш ва тарбиялаш масалалари туғрисида» Махсус авария-

тиклаш бошқармаси бошлиғи уринбосари Ю. Собиров маълумот берди. Бошқармада ҳозирги давр талаби асосида қандай ишлар олиб борилгани ва қилиниши лозим бўлган вазифалар борасида маърузачи ахбороти тингланди.

Ҳайъат йиғилишида қурилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз



Ёш мутахассис Ботир Абдуллаев Электромагнит мослашув марказида таржимон бўлиб ишлайди. У инглиз тилидан рус ва ўзбек тилларига бемалол таржима қила олади.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган

«Самарқанд Телеком» шўъба корхонасининг 9 ойлик иш якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда эришилган ютуқлар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар муҳокама этилди. Шунингдек, вилоят телекоммуникация сифатини яхшилаш, халқ хўжалиги тармоқлари ва аҳолига телефон хизмати кўрсатиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилишда ташкилий ма-

сала ҳам қўрилди. Унда «Ўзбектелеком Интернейшнл АЖ» қўшма корхонаси ва

Мажлисда сузга чиққанлар номзодни қўллаб-қувватлашди.

РАҲБАР ЯНГИЛАНДИ

Самарқанд вилоят ҳокимлиги тавсиясига биноан, мазкур корхона молиявий директори вазифасида ишлаб келган М. Саматов «Самарқанд Телеком» шўъба корхонаси бош директори этиб тайинланди.

Қурилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Зебо ХУДОЁРОВА,
Самарқанд вилояти

● Муқаддас Рамазон ойи муносабати билан кўплай хорижий давлат раҳбарларидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига табрик телеграммалари келди.

● Аброр Ҳидоятлов номли ўзбек Давлат драма театрида сахна санъатининг буюк арбоби Олим Хужаев таваллудининг 90 йиллигига бағишланган хотира кечаси ўтказилди.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

● ЯНГИЛИКЛАР ● ВОКЕАЛАР ● ХАВАРЛАР

● Тбилисида визалар бўйича белгиланган тарифлар юзасидан Грузия-Россия маслахатлашуви бўлиб ўтади.

● Украинанинг собиқ бош вазири Павел Лазаренконинг иши АҚШ судида қўриладиган бўлди. Украина Бош прокурори Михаил Потенбенко АҚШ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари шундай қарорга келганлигини маълум қилди.

● Мўғулистонда Мўғулистон Халқ Республикаси эълон қилинганлигининг 76 йиллиги ва биринчи Конституция қабул қилинган кун нишонланди.

● Яқин Шарқда Исроил билан Фаластин уртасидаги муносабатлар ҳамон таҳликалилигича қолмоқда. Хабарларга қараганда, қарийб икки ойдан буён давом этаётган зиддиятлар тўғрисида 250 дан зиёд киши қурбон бўлган, жароҳатланганлар сони эса ундан ҳам кўплиги айтилмоқда.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

«ХАВАР» газетасига 2001 йил учун обуна давом этмоқда! Газетамизга барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин. Нашр кўрсаткичи: Якка тартибдаги обуначилар учун – 227.

Ташкилотлар учун – 228.
«ХАВАР» газетаси ҳар ҳафтанинг муборак жума кунини хонадонингизга кириб боришини истасангиз, тезроқ обуна бўлишга шошилинг!

СЕМИНАР-ЙИГИЛИШ ЎТКАЗИЛДИ

«Наманган почтаси» акционерлик жамиятида «Компьютерлаштириш технологияси жараёнларининг почта алоқаси соҳасига тадбиқ этилиши ва иш уринларидаги компьютер техникаларининг аҳамияти туғрисида» республика семинар-йиғилиши бўлиб ўтди.

Семинарда республиканинг барча алоқа корхоналаридан вакиллар тақлиф этилди. Йиғилишда «Почта алоқа хизматида компьютер тизимини аҳамияти ва иш уринларидаги компьютер техникалари ҳамда касса терминалларини бевосита ишлатиш туғрисида» «Наманган почтаси» АЖ директори Р. Тургуновнинг маърузаси тингланди. Шундан сунг «Самарқанд почтаси», «Қорақалпоқ почтаси», «Қашқадарё почтаси» АЖ раҳбарлари маъруза қилишди.

Йиғилишда Бутундунё почта иттифоқи халқаро бюроси бош директори Томас Ливин ва бошқа давлат вакиллари, шунингдек, «Ўзбекистон почтаси» ДАК бош директорининг уринбосари Т. Бажановалар иштирок этишди.

Ўз мухбиримиз

ТАЛАБАЛАР БЎШ КЕЛИШМАДИ

Яқинда Хитойнинг Пингтингшан шаҳрида эшак эшиш бўйича Осиёнинг 1-чемпионати бўлиб ўтди. Ўзбекистон терма жамоаси сафида Тошкент электротехника алоқа институтининг икки нафар талабаси – С. Красильников ва Д. Клипининлар муваффақиятли қатнашишди.

Ат-Термизий хотирасига бағишланган қўл жанги бўйича халқаро турнирда ҳам институтимиз талабаси Д. Шерғозиев фахрли 3-уринни эгаллади.

Республикамиз шарафини муносиб ҳимоя қилган талабалар институт томонидан муносиб тақдирландилар.

Ф. АСОМХЎЖАЕВ,
ТЭАИ маънавият ва маърифат маркази услубийчиси

Юртимизда жадаллик билан ривожланиб бораётган соҳалардан бири – телекоммуникация десак янглишмаймиз. Бу борада етук мутахассислар тайёрлаш республикамизда ягона бўлган Тошкент электротехника алоқа институти зиммасига юклатилган. Мухбиримиз мазкур институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори Омон АБДУАЗИЗОВ билан суҳбатлашди.

– Омон Абдумажидович! Алоқа институтида сўнгги йилларда замона талабига бинано қандай ўзгаришлар ва янгиликлар бўляпти?

– Албатта, бугун жаҳон телекоммуникация соҳасининг жадал суръатлар билан ривожланиши ўз навбатида биздан чуқурроқ изланишни, ташаббускорликни, талабаларга замонавий дастур ҳамда технологиялар асосида таълим беришни талаб этади. Институтимизнинг илмий жамоаси бу борада имкониятлари борича фаолият кўрсатмоқдалар.

Утган ўқув йилининг узда қатор янги ихтисосликлар бўйича бўлимлар очилди. Иқтисодий факультетида «Почта хизмати» мутахассислиги, Телекоммуникация узатиш тизимлари факультетида «Телекоммуникациялар педагоги», Радиоэшиттириш, радиоалоқа ва телевидение факультетида эса «Радиотехника», Телекоммуникация ва телекоммуникация тизимлари факультетида «Информацион технологиялар» каби бўлимлар очилди ва уларга талабалар қабул қилинди.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА МАСЪУЛМИЗ

Шунингдек, институтимизда магистратура бўлими ҳам очилиб, магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Хабарингиз бор, институтимиз ташкил этилганига бу йил 45 йил тўлди. Ушбу санага бағишланган институтнинг юбилей тўйида бир гуруҳ профессор-ўқитувчиларига агентликнинг фахрий унвонлари топширилди.

– Магистрлар тайёрлаш қандай йўлга қўйилган?

– Утган йили биринчи марта саккиз турдаги мутахассислик бўйича 75 талабани магистрантликка қабул қилган эдик. Бу йили эса қўшимча тарзда яна битта «Алоқа корхоналари менежменти» мутахассислигига ҳам магистрантлар қабул қилинди. Магистрантларга институт кафедралари, агентлик, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ва ишлаб чиқаришнинг етук мутахассислари раҳбарлик қилишмоқда. Биринчи магистрантлар келаси йил июн ойида магистрлик диссертацияларини хитом қиладилар. Улар ўқишни битириб, магистр унвонини олган, илмий-текшириш институтларида, мураккаб техникани эксплуатация қилиш билан боғлиқ корхоналарда, раҳбарлик лавозимларида ишлашлари ҳамда аспирантурада ўқишни давом эттиришлари мумкин. Бакалаврлар эса ҳозирги пайтда тулиқсиз олий маълумотли

буладилар. Магистрантлар икки йиллик ўқиш давомида назарий билимлар олиш билан бирга, илмий-текшириш, илмий-педагогик жараёнларга ҳам ўқув режаси бўйича иштирок этидалар. Магистрантлар биринчи курсда ноқ ўн hafta давомида Тошкент шаҳридаги алоқа корхоналарида амалиётдан утадилар. Алоқа корхона раҳбарлари ва етакчи муҳандис ходимларнинг маърузаларини тинглаб борадилар.

Бу йил бакалаврликка бир уринга туртдан, магистратурага эса бир уринга иккитадан талабдор турғи келди. Магистратурага кирувчи бакалаврларнинг 35 нафари имтивозли диплом соҳиблари эди.

– Илмий изланишлар олиб бораётган ёшлар ҳақида нималар дея оласиз?

– Институт қошида мана ўн йилдики аспирантлар ўқитилмоқда. Кейинги уч йил ичида аспирантурани саккиз киши муваффақиятли тугатиб, номзодлик диссертациясини хитом қилди. Ҳозирги кунда 38 нафар аспирант илмий изланиш олиб бормоқда, булардан 18 нафари кундузги бўлимида ва 20 нафари сиртдан, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқимоқдалар. Булар орасида Нарғиза Усмонованинг алоқа тизими структурасини оптималлаштириш муаммосига бағишланган илмий иши ҳар жиҳатдан эътиборга моликдир. «Ўзбектелеком» АК бош ди-

ректори уринбосари, доцент Э. Ҳ. Аллаев раҳбарлигида олиб борилган илмий изланишлар натижалари алоқа соҳасида салмоқли аҳамиятга эга бўлди деб ўйлайман.

– Хорижий давлатларнинг олий ўқув юртлири билан ҳамкорлик ҳақида нима дейсиз?

– Айни пайтда икки нафар талабамиз АҚШда ўқишни давом эттирмоқда. Йигирмадан ортиқ талаба чет элда ўқиш учун ҳужжатларини топшириб, танловга қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

Утган икки йил давомида институтнинг юзга яқин профессор-ўқитувчилари, аспирантлари тасис дастури асосида Бельгия ва Греция, бошқа дастурлар бўйича Хитой, Англия, Франция, Исроил каби жаҳоннинг нуфузли давлатлари тажрибаларини ўрганиб ва малака ошириб қайтишди.

– Талабаларнинг маънавий, маърифий тарбияси бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолди.

– Институтимизда маънавий-маърифий, тарбиявий ишларга катта эътибор берилмоқда. Ҳар бир ўқув гуруҳига мураббийлар тайинланган. Улар талабаларни дарсдан ташқари, бўш вақтларида ҳам назоратсиз қолдирмайдилар. Жамиятимизнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳақида бўлаётган ҳар бир ўзгариш ва янгиликлар талабалар

орасида муҳокама қилинади. Бу эса ёшларнинг сиёсий ва маънавий тушунчаларини турғи шакллантиришга ёрдам беради. Бундан ташқари, вазуви-шоирлар, ички ишлар органлари ходимлари, дин, илм-фан арбоблари билан учрашувлар, адабий кечалар утказиб турилади.

Шу йил октябр ойидан бошлаб институтда вилоятлардан келиб ўқитган талабаларга ҳафтанинг беш кунида bepул тушлик ташкил этилди. Бунинг учун институтга «Ўзбектелеком» АК етарли миқдорда моддий маблағ ажратди.

Кейинги уч йил ичида институт кутубхонаси асосан чет эллардан келтирилган янги адабиётлар билан бойитилди. Бунда «Алоқинвест» акциядорлик жамияти, Республика радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Камалак-ТВ» қўшма корхоналарининг ёрдами катта бўлди. Бу ишларнинг барчаси талабаларимизнинг моддий ва маънавий ҳаётини имкон борича яхшилашга қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда, талабаларимизнинг билимли, баркамол инсон бўлиб етишиши учун кўлимиздан келганича ҳаракат қиляпмиз. Президентимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиши шарт» деган сўзига амалий иш билан жавоб беришга масъулмиз.

Х. РАҲИМҚУЛОВА
суҳбатлашди

ТЕКШИРУВ НАТИЖАЛАРИ

Жиззах давлат алоқа инспекцияси жорий йилининг тўқуз ойи мобайнида Назорат қўлуви органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши билан келишилган режага мувофиқ вилоятдаги ҳужалик юртувчи субъектларни текширувдан утказди.

Текшириш жараёнида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлари талабларининг бузилишига йўл қўйган ҳужалик субъектларига курсатмалар берилиб, уларнинг бажарилиши устидан назорат урнатилди.

Жумладан, «Ўзбекнефтгазалоқа» бошқармаси Жиззах вилоят бўлими ва вилоят давлат солиқ бошқармаларининг радиоэлектрон қурilmалардан рухсатномаларсиз фойдаланётганлиги аниқланиб, уларга «Радиочастоталар спектри тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиоэлектрон воситалардан ва радиочастоталар спектридан фойдаланишни бошқариш тартиби тўғрисида»ги Низом талаблари бузилаётганлиги тўшунтирилди. Ҳозирги вақтда бу ташкилотлар ҳуқуқий рухсатномалар олиш учун зарур ишларни амалга оширмоқда.

«Жиззах почтаси» АЖнинг Зомин, Галлаорол ва Пахтакор филиаллари текширилганда «Почта қондалари», агентликнинг почта алоқаси бўйича эксплуатация корхоналарида касса операцияларини юритиш қондалари, пенсия ва нафақа тўлов йуриқномасининг талаблари қўпол равишда бузилганлиги маълум бўлди. Жиззах вилояти ДАИ томонидан 1999 йили берилган курсатмаларнинг тулиқ

бажарилмаганлиги ҳамда қонуний ва меъёрий ҳужжатлар билан етарлича таъминланмаганлиги ҳам аниқланди.

«Жиззах почтаси» АЖда вилоят ДАИ ходимлари иштирокида текшириш натижалари бўйича кенгайтирилган йиғилиш утказилди. Йиғилишда мазкур филиал ходимлари томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар учун филиал раҳбарларининг иш ҳақларидан жарима ундириш тўғрисида қарор қабул қилинди ҳамда бошқа қаттиқ интизомий чоралар қўриб чиқилиши тўғрисида оғоҳлантилди.

«Жиззах Телеком» шўъба корхонасида ва унинг филиалларида утказилган текширишлар таҳлили шуни курсатдики, корхонанинг Жиззах шаҳар филиалида 6500 рақамга мўлжалланган NEAX-61E русумли АТС/АМТС станцияси 1999 йил охирида ишга туширилгандан сўнг, маҳаллий ва шаҳарлараро телефон алоқасининг сифати бир мунча яхшилланган. Лекин вилоят миқёсида қарайдиган бўлсак, туманлар марказий АТСларидан шаҳарлараро автоматик телефон алоқасига кириш ва чиқиш телефон алоқа хизмати ҳозирги замон талабига мутолақ жавоб бермайди. Шу билан бирга қишлоқ телефон тармоғининг 62 фоизи умуман ишламапти. Вилоятдаги 12 та туман марказий АТСларидан 7 тасига шаҳарлараро автоматик телефон алоқасидан кириш ва 11 тасидан шундай алоқага чиқиш имконияти яратилмаган. Вилоятда мавжуд 92 та қишлоқ АТСларининг яхши ишлатилаётган бештаси туман марказларида жойлашган бўлиб, қолган 87 тасидан фақат 35таси (40 фоиз) ишлатилмоқда. Қолган қишлоқ АТСларининг 44 таси (51 фоиз) ўчириб қўйил-

ган, 8 таси (9 фоизи) эса демонтаж қилинган. Корхонага юқорида курсатилган камчиликлар асосидан берилган курсатмалар асосида туман марказий АТСларига автоматик тарзда кириш ва чиқиш шаҳарлараро телефон алоқасини ташкил қилиш бўйича «Жиззах Телеком» шўъба корхонасининг етакчи мутахассислари томонидан ишлар бошлаб юборилган. Афсуски, қишлоқ телефон тармоғини техник меъёрга келтириш бўйича режалаштирилган ишлар қўғозда қолиб кетмоқда. Натижада соҳа стандартлари, бир қатор қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларнинг талаблари бузилимоқда ҳамда лицензия келишуви шартлари бажарилмаётир.

Ушбу текшириш натижаларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва қишлоқда алоқа хизматини талаб даражасига келтиришнинг лозим бўлган имкониятлари қидириб топилиши зарур. Бунинг учун вилоятда алоқа хизмати курсатишга мутасадди шахслар бу борада ўз бурчларини тула-тухис англаб, юқоридан буйруқ ва курсатмалар кутмасдан амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар талабига бўйсунган ҳолда аҳолига курсатилаётган хизматлар сифатини янада оширишга ҳаракат қилишлари талаб қилинади.

Х. МАМЕДОВ,
Жиззах давлат алоқа инспекцияси бошлиғи,

Э. МАТҚУРБОНОВ,
Давлат алоқа инспекцияси меъёрий ҳужжатлар бўлими ходими

«COSCOM» – НАМАНГАНДА

Мамлакатимиз уяли алоқа хизмати бозоридан мавқеини тобора мустаҳкамлаб бораётган Ўзбекистон– Америка қўшма корхонаси – «COSCOM»нинг яна бир филиали Наманганда иш бошлади. Тармоқнинг базавий станциясини барпо этишга бир миллион долларга яқин маблағ сарфланди.

Дастлабки кунлардаёқ 600 нафарга яқин наманганликлар «COSCOM»нинг мижозси бўлиш истагини билдиришди. Улар ушбу компаниянинг замонавий алоқа хизматидаги афзалликларни юқори баҳолашмоқда. Айниқса, дунёнинг 27 мамлакати билан бевосита боғлана олиш имконияти ишбилармон ва тадбиркорларга маъқул тушмоқда. Йигирма нафар ёш наманганликлар янги касб – уяли алоқа тармоғи мутахассиси вазифасида ишлашпти.

«O'zimpeksaloqa» акциядорлик жамияти 2000 йил, 1 декабрь куни соат 15.00 да акционерларнинг навбатдан ташқари мажлиси Тошкент шаҳар, А. Темуралиев кўчаси, 24-уйда ўтказилишини маълум қилади

КУН ТАРТИБИ:

1. «Телекоммуникациялар соҳасидаги бошқарувни такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил, 28 июндаги Фармони, «Ўзбектелеком» акционерлик компанияси фаолиятини ташкил қилиш масалалари» тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг Қарори ва УЗПТнинг 05.07.00 йилдаги 220-сонли ҳамда 14.07.2000 йилдаги 232-сонли буйруқларининг бажарилиши тўғрисида.
2. «O'zimpeksaloqa» АЖ низомига киритилган ўзгаришларни ва баъзи бир меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш.
3. Кузатов Кенгаши аъзоларини сайлаш. (КК расиси аризаси)
4. 2000 йилга аудиторни тасдиқлаш.
5. Бошқа масалалар.

ҲАЗРАТ АЛИГА КЎРИНГАН МЎЪЖИЗАЛАР

Ривоят қилардиларким, газотлардан бирида Ҳазрат Али жуда катта жасорат курсатибдилар. Бундан хурсанд қилган пайгамбаримиз у кишига тасаннолар айтиб:

— Балли, худди Рустамдек жанг қилдингиз, — дебдилар.

Алининг кунгилларида бирозгина ранж пайдо бўлибди. «Мен киму Рустам ким?» — деб уйлабдилар ўзларини беназир пахлавон ҳисоблаб. Кейин Дулдул отига миниб, сафарга чиқиб кетибдилар. Бир тоғ ёнидан ўтаётиб, ажойиб мўъжизага дуч келибдилар: тоғ чуққиси одам боши шаклига кириб қимирлабди-да, қаҳ-қаҳ уриб кулибди. «Во, ажаб...» дебдилар-у, йўлда давом этаверишди. Бир бугдойзор ёнидан ўтаётиб дон ураётган бахайбат деҳқонни курибдилар. У ярми пишиб етилган, ярми хом-хатала бугдойларни бир бошдан ураётган эмиш.

— Нега бундай қилаяпсиз? — дебдилар унга. — Хомла-

ри ҳам пишиб етилгунча сабр қилсангиз бўлмайдими?

Бахайбат деҳқон уқрайиб қараб:

— Менинг ишимга аралашма! Йўлингдан қолма! — дебди.

Ҳазрат Али унинг важоҳатидан чучиб, йўлда давом этаверишди. Узоқда қоп орқалаган қария кетаётган экан. Унга етиб бориб салом берибдилар-да:

— Отга мингашинг, — дебдилар.

Қария кунмабди.

— Бўлмаса юкингнизи беринг, — дебдилар.

Қария юкини берган экан Ҳазрат Али уни зурга кутариб отга унгарибди. Юк ниҳоятда оғир экан «Во ажаб...» деб уйлабдилар.

... Манзилларида қайтиб келганларидан кейин пайгамбаримиз сурабдилар:

— Йўлда қанақа сирларни курдингиз?

Ҳазрат Али ҳеч нима деммай, ерга қараганча сукут сақлаб утираверибдилар. Шунда Расулulloҳ саллаллоҳи алайҳи васаллам:

— Учта сир курдингиз, — дебдилар. — Биринчиси — қаҳ-қаҳ уриб кулган тоғ. У — Рустам эди. Иккинчиси — пишгану хом бугдойни аралаш ураётган деҳқон. У — Азроил эди. Учинчиси — оғир юкни бема-лал орқалаб кетаётган қария.

У — мен эдим. Уматларимнинг гуноҳларини кутариб кетаётган эдим.

Пайгамбаримиздан бу гапларни эшитган Ҳазрат Али ўзларининг ожизликларини тан олган эканлар. Валлоху аълам...

СУҚ ТҮЙМАС, ЎҒРИ БОЙИМАС

Ривоят қилишларича, бир обид ҳар куни бир қассобдан жуда оз миқдорда гушт олар экан. Бироқ қассоб шунчалик қаллоб эканки, доим тарозидан уриб қолар экан. Обид киши буни билса ҳам курмаганга олиб, тескари қараб турар экан. Лекин уйга келиб гуштни қозонга солса, у кўпайиб, баракали бўлиб кетар экан. Қассобнинг рўзғоридан эса барака йўқ экан. Узи ҳам, бола-чақаси ҳам овқатга тўймас экан. Кўп йиллар утгач, бир куни қассобнинг кунглида инсоф пайдо бўлибди. Гуштни тарозидан уриш урнига аксинча оғирроқ қилиб тортиб берибди. Бу ҳолни курган обид эса қани нима буларкин деб индамабди. Уша куни қассобнинг хонадонига барака кириб келибди. Оила-

аъзолари тўйиб, дастурхондаги овқатнинг кўп қисми ортиб ҳам қолибди.

Обиднинг уйида эса барака бўлмабди. Қозондаги гушт кўпаймабди, ўзи тўймай қолибди.


Эртаси гушт олгани бошқа қассоб томонга кетаётса, ўзларининг доимий қассоби қақарибди:

— Буюққа келинг, тақсир, буюққа!

— Йўқ, — дебди обид киши.

— Кеча менинг баракам сизга утин кетди. Демак, барака инсофда, ҳалолликда экан. «Суқ тўймас, ўғри бойимас» деганларича бор экан. Валлоху аълам биссаваб...

Азиз АБДУРАЗЗОҚ



Термиз. Ҳаким ат-ТЕРМИЗИЙ мақбараси.
Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган

РАМАЗОНИ ШАРИФ ТАШРИФИГА

Ҳар кишиким куб ибодат айлағай,
Муздани Тангри иноят айлағай,
Тонг-ла жаннатда фароғат айлағай,
То абад анда иқомат айлағай,
Рабби ман, ё Рабби ман, ё Рамазон,
Хуш муборак бизга моҳи Рамазон.

Рузани ҳар ким агар иззат қилур,
Ул Фаришта ҳам ани шафқат қилур,
Ҳақ таоло, бас, ани раҳмат қилур,
Тонг-ла маҳшар жойини жаннат қилур,
Рабби ман, ё Рабби ман, ё Рамазон,
Хуш муборак бизга моҳи Рамазон.

Руза ойи бизга Ҳақнинг раҳмати,
Айламоқлиғ бизга лозим хурмати,
Булди ҳосил чунки мундоқ давлати,
Тонг-ла, шояд қилса аҳли жаннати,
Рабби ман, ё Рабби ман, ё Рамазон,
Хуш муборак бизга моҳи Рамазон.

Ҳар кишиким рузада бедордур,
Андоқ одам воқифи асрордур,
Кори бори кимни истигфордур,
Мағфират аллофи анга бордур,
Рабби ман, ё Рабби ман, ё Рамазон,
Хуш муборак бизга моҳи Рамазон.

«МУСУЛМОНЛАР ТАҚВИМИ» китобидан

МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИ

Бадиий адабиёт нашриёти юнон файласуфи Аристотелнинг «Этика» асарини нашрдан чиқарди. Русчага таржима қилинган асар уч босма табоқни, асарга Эрнест Радлов ёзган изоҳлар бир ярим босма табоқни ташкил қилар эди. Ҳисобчи нашриёт билан ҳисоб-китоб қилиш учун ҳужжатни кассага берди. Пул Ленинградда истикомат қилувчи Радловга манзили бўйича почта орқали юборилди. Ҳисобчиларнинг фикрича, муаллифга тегишли пулни нашриёт кассасидан Аристотелнинг ўзи олди.

Воқеа бундай бўлган эди. Бир куни пул тўланадиган соатларда бир кимса дарчадан бош суқиб, газначидан суради: — Аристотелга бирон нарса борми?

Газначи ҳужжатлар ичидан бир қоғозни олиб, белгилаб, узатди: — Суммасини хат билан ёзинг.

— Албатта-албатта! — дея жавоб берди кимса. Сунгра юнон алифбосига ухшатиброк қийшқ харфлар билан уз имзосини куйди: Аристотель.

Ҳисобчиларнинг иш тартиби ва психологиясини бу қадар чуқур биладиган одамнинг кимлиги аниқланмай қолди.

Саёҳат қилиб юрган А. Н. Толстой бир шаҳарга келиб, меҳмонхонага кирди-да, навбатчиға йулкиди: — Мен ёзувчи Толстойман.

Сизга мен учун жой тайнлаб қуйган бўлишлари керак.

— Албатта! — деб жавоб берди навбатчи.

— Улуғ амир, — дебди шоир Ҳасаншоҳ Алишер Навоийга, — агар кеча пул бермаганингизда, бугун мен ростдан ҳам улган бўлар эдим.

ради навбатчи. — Фақат мана бу «Анна Каренина» китобига дастхат ёзиб берсангиз, уни атайлаб сотиб олгандим.

— «Улик жонлар»-ни ҳам мен ёзганман — дейди Толстой.

— Кечирасиз, «Улик жонлар» ҳозир менда йўқ.

— Унда мен меҳмонхонангизда турмайман, — деди Алексей Николаевич ва чиқиб кетди.

Хиротлик шоирлардан Ҳасаншоҳ моддий жиҳатдан қийналиб қолибди-да, ўғлига мотам либосини кийдириб, Навоийнинг ёнига юборибди. Навоий шоирнинг ўғлини куриб, ундан сурабди:

— Ҳа, ўғлим, мотамнинг босиси недур?

— Падари бузрукворимиздан айрилиб қолдик, — дебди йигитча қайғули оҳангда.

— Эвоҳ, мавлоно Ҳасаншоҳ замонамизнинг ажойиб одами эди, — дебди-да, шоирнинг ўғлига уч юз танга пул берибди. Йигит бозор томонга йул олибди.

Эртасига Алишер Навоий таъзия билдириш учун шоир Ҳасаншоҳнинг уйига борибди. У Ҳасаншоҳнинг соппа-соғ юрганини куриб, таажжубланибди:

— Бу нимаси? Сиз улган эдингизку, — дебди Навоий уй эгасига.

— Улуғ амир, — дебди шоир Ҳасаншоҳ Алишер Навоийга, — агар кеча пул бермаганингизда, бугун мен ростдан ҳам улган бўлар эдим.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги жамоаси Ишлар бошқармаси бошлиғи Шокир Тойировга онаси **Фотима ая ХОЛМАТОВА**нинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» акциядорлик жамияти жамоаси корхонанинг молия директори Султонмурод Парпиевага отаси **ҚОБУЛ отанинг** вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон
ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДУҲАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Куролбой ТЎЛЕБОВЕВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

**ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:**
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шохрух АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобоҳон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000,
Тошкент-35, А. Толстой
кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.

Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИКАДИ

Таҳририятга келган кўлэзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш № 00011.

Буюртма № Г-1139.
4839 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ
БОСМАХОНАСИ.
Манзили:
Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси,
41-уй.

Босишга топширилди — 19.00

Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6